

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КАРАБАЕВ САРДОР ЮЛДАШЕВИЧ

**АМИР ҲАМЗА ШИНВОРИЙ ШЕЪРИЯТИ ВА ХАЙБАР АДАБИЙ
МАКТАБИ
(АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ)**

10.00.05 – Осиё ва Африка мамлакатлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

УДК: 821.221.31

ББК: 83.3(5)

К-21

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Қорабоев Сардор Юлдашевич

Амир Ҳамза Шинворий шеърляти ва Хайбар адабий мактаби

(анъанавийлик ва янгиланиш жараёни). 3

Карабаев Сардор Юлдашевич

Поэзия Амира Ҳамза Шинвари и Хайберская литературная школа

(традиция и процесс обновления). 23

Karabayev Sardor Yuldashevich

Poetry of Ameer Hamza Shinwari and Khyber Literary school

(traditions and process renovation). 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КАРАБАЕВ САРДОР ЮЛДАШЕВИЧ

**АМИР ҲАМЗА ШИНВОРИЙ ШЕЪРИЯТИ ВА ХАЙБАР АДАБИЙ
МАКТАБИ
(АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ)**

10.00.05 – Осиё ва Африка мамлакатлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil.54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Маннонов Абдурахим Муталович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иномхўжаев Раҳмонхўжа
филология фанлари доктори, профессор

Очилов Эргаш
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етақчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 27.06.2017. Fil.21.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2017 йил “__” _____ соат “__” даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16 - уй. Тел (99871) 233-45-21; факс (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16 - уй. Тел (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2017 йил “__” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
филол.ф.д., доцент

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

А. Қуранбеков

КИРИШ (Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги дунё адабиётшунослигида шарқ халқлари адабиётини ўрганишда халқларнинг миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятларига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ушбу жиҳатларни чуқур билиш асосида ўрнатилган халқаро адабий алоқалар мустақкам заминга эга бўлади. Айрим шарқ мамлакатларида содир бўлаётган кескин ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳам жаҳон адабиётшуносларининг мазкур халқлар адабиётига бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Афғон (паштун) халқи адабиётини ҳам шундай адабиётлар сирасига қўшиш мумкин. Айниқса, кейинги пайтларда Покистон ҳудудидаги пашту адабиётининг жадал ривожланиб бораётганлиги шарқшунос олимлар олдида мазкур ҳудудидаги адабий жараёнлар, адабий оқимлар, йўналишлар ва адабий мактаблар доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини пайдо қилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз адабиётшунослари мустақиллик йилларида жаҳон адабиётини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, шарқ халқлари адабиётини ўрганиш, унинг энг ёрқин намояндалари ижодини илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш янада кучайди. Бу борада афғон адабиёти вакиллари ижоди ҳам атрафлича тадқиқ қилинилиши лозим бўлган долзарб мавзу ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш”¹ деб номланган бешинчи йўналиши доирасида Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарор ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши адабиётшунослик соҳасида афғон адабиёти йўналишида илмий изланишлар қўламини кенгайтиришга имкониятлар яратди. Қолаверса, ўзбек халқи қадим-қадимдан афғонлар билан яқиндан иқтисодий, сиёсий, маданий-адабий алоқаларда бўлиб келган. Навоий, Лутфий, Бобур, Машраб ва бошқа кўплаб буюк аждодларимизнинг Афғонистон заминида яшаб, ижод этганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Кейинги пайтларда жаҳон адабиётшунослигида Покистон ҳудудидаги пашту адабиётини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, XIX асрнинг охиригача Ҳиндистон ярим ороли ва ҳозирги Афғонистон ҳудудида бир бутун этнос сифатида яшаб келган афғон (паштун) халқининг бир қисми “Дюранд битими” (1893) асосида Британия Ҳиндистони (ҳозирги Покистон)га қўшиб олинган пайтдан бошлаб Британия Ҳиндистони таркибига ўтган паштунлар ва Афғонистон ҳудудида жойлашган афғонлар адабиёти бир-биридан мустақил равишда,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони/Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. – №28.

алоҳида йўналишларда ривожланди. Такдим этилаётган мавзу афғон (паштун) халқининг XX аср Покистон ҳудудидаги замонавий адабиётининг йирик вакили Амир Ҳамза Шинворий шеърляти ва у асос солган Хайбар адабий мактаби вакиллари ижодининг муҳим қирраси – анъанавийлик ва янгилашиш жараёни масалаларига бағишланган. Амир Ҳамза Шинворий ижоди ҳамда у асос солган Хайбар адабий мактаби вакиллари ижодиётини таҳлил қилиш жаҳон шарқшунослиги (афғоншунослиги)даги муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2789- сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги ПҚ–2894-сонли Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу бўйича қилинган ишларни тадқиқ этилаётган масалага тўғридан-тўғри таалуқли бўлган ва масалага тўғридан-тўғри таалуқли бўлмаган, лекин мавзу доирасида ишларга ажратиш мумкин.

Мавзуга тўғридан-тўғри таалуқли бўлган ишлар, яъни Амир Ҳамза Шинворий ижоди, Хайбар адабий мактабининг шаклланиши, унинг йирик вакиллари, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш XX асрнинг 80-йилларидан бошланган. Лекин бу борада қилинган ишларнинг аксарияти Покистон ҳудудида ёзилган очерк ва мақолалардан иборат.

Буларнинг дастлабкиси покистонлик олим Муҳаммад Аъзам Аъзамнинг 1979 йилда чоп этилган “XX асрдаги пашту ғазали”² мақоласи эди. Унда муаллиф XX асрдаги йирик паштун ғазалнависи сифатида Ҳамза Шинворийнинг ғазаллари, уларининг ғоявий хусусиятлари таҳлилга тортган. Лекин мақолада шоир ғазалларининг мавзу кўлами ва бадиий хусусиятлари, айниқса, анъанавийлик ва новаторлик масаласи очилмай қолган.

محمد عظم عظم ، پښتو غزل په شلمه صده كښي ، مياشتتې پښتو ، پېښاور ۱۹۷۹ ع فېرري گڼه²

Шундан сўнг Тохир Бухорий³, Пир Гавхар⁴, Саид Таквим ул-Ҳақ⁵, Хиёл Бухорий⁶, Миан Башир Аҳмад Кокохел⁷, Осим Аффридий⁸, Муҳаммад Жовид Халил⁹ каби тадқиқотчиларнинг Ҳамза Шинворий ва пашту тилидаги ғазал масаласига бағишланган мақолалари дунёга келди. Аксарият мақолалар Ҳамза Шинворий таржимаи ҳоли, шоир ижодининг у ёки бу қирраларининг айрим хусусиятлари ҳақида бўлиб, кўпроқ оммабоп шаклда ёзилган. Шоир ғазалларининг ғоявий хусусиятлари мавзуси доирасида ёзилган мақолаларда кучли пафос сезилиб туради. Ҳамза шеърятининг мавзулари кўлами ва бадий хусусиятлари ҳам эътибордан четда қолган.

Хайбар Аффридийнинг “Хайбар садоси”¹⁰ (1982), Ҳамиш Халилнинг “Паштун ёзувчилари”¹¹ (1982), Мурод Али Шинворийнинг “Хайбар адабиёти”¹² (1988), Калим Шинворийнинг “Хайбар ёзувчилари”¹³ (1988) ва Жамол Ҳусайн Акбарнинг “Паштонъ сторий” – “Паштун юлдузлари” (2001) асарлари антология шаклида ёзилган бўлиб, уларда шоирлар биографияси ва шеърларидан намуналар берилган.

Ҳамза Шинворий ва Хайбар адабий мактаби бораси қилинган кўзга кўринарли иш покистонлик афғон олими, профессор Қобил Хон томонидан инглиз тилида ёзилган “Amir Hamza Khan Shinwari: life and works”¹⁴ (Амир Ҳамза Хон Шинворий: ҳаёти ва ижоди) номли монографик очерк ҳисобланади. Унда муаллиф Амир Ҳамза Шинворий ҳаёти ва ижодини умумий тарзда ўрганган, адибнинг ижодиётининг умумий тафсилотларини бериб ўтган. Унинг наср ёки шеърятдаги тажриба ва ютуқлари, бадий маҳорат даражаси, асарларининг поэтикаси тизимли ўрганилмаган, илмий кузатиш ва таҳлилларда концептуал масалалар кўтарилмаган.

Мавзуга тўғридан-тўғри таалуқли бўлмаган, лекин мавзу доирасида маълумот берилган ишлар орасида Покистон худудидаги пашту адабиётининг тарихий илдизлари (*1893 йилги Дюранд битими*гача бўлган қисми) мавзуси доирасида қилинган тадқиқотлар эътиборга молик.

Мавзунинг бу қисми ўзбек олимлари А. Маннонов, О. Усмонов, рус олимлари Г.Ф. Гирс, Г.А. Герасимова ҳамда афғон олимлари Сиддиқулло Риштин ва Абдул Ҳай Ҳабибий томонидан тадқиқ қилинган.

А. Маннонов афғон адабиётининг дастлабки асосчилари ҳисобланган “рўшонийлар ҳаракати”ни ўрганган, айна мавзудаги докторлик

³ طاهر بخاری ، حمزه او طصوف ، میاشتنی پښتو ، ۱۹۸۴ ع جون گڼه

⁴ پير گوهر ، د غزل پلار ، میاشتنی پښتو ، ۱۹۸۷ ع نومبر دسمبر گڼه

⁵ سعيد تقويم ال حق ، حمزه او غزل ، د مردان «قند» مجله ، ۱۹۵۹ ع جلاى اگست گڼه

⁶ خیال بخاری ، شاپیری او غزل ، د قند مجله ، مردان ، ۱۹۵۹ جولای – اگست گڼه

⁷ میان بشیر احمد کاکاخیل ، امر حمزه خان شنواری ، میاشتنی پښتو ، ۱۹۸۲ ع اگست گڼه

⁸ اسم افریدی ، د خیبر ادب - یو نظر ، پښتو مجله ۱۹۸۷ ع کال نومبر گڼه

⁹ محمد جاود حلال ، پښتو ادبی ټولني او جرگي ، پښتو مجله ۱۹۸۸ کال ع نومبر - دسمبر گڼه

¹⁰ خیبر افریدی ، د خیبر انگازي ، جمرو د ۱۹۸۲ ع

¹¹ همیش خلیل ، پښتانه لیکوال ، پښور ۱۳۶۵ ه ش

¹² مراد علی شینواری ، د خیبر ادب ، پښور ۱۹۸۸

¹³ کلیم شینواری ، د خیبر لیکوال ، پښور ۱۹۸۸

¹⁴ Qabil Khan, Amir Hamza Khan Shinwari: life and works, – P (Peshawar), 2006

диссертацияси¹⁵ ва бир қанча монографиялар¹⁶ муаллифи ҳисобланади. Бундан ташқари, олимнинг “Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи”¹⁷ асарида пашту адабиётининг XX асргача бўлган тарихи ёритиб берилган. Унда ҳозирги Покистон ҳудудида шаклланган, пашту тилида ижод қилган рўшониёлар ва хаттаклар адабий мактаблари фаолияти таҳлилга тортилган. О. Усмонов¹⁸ ҳозирги Покистон ҳудудидаги рўшониёлардан кейинги адабий мактаб – хаттаклар адабий мактабини ўрганган.

Г.Ф. Гирс¹⁹ ва Г.А. Герасимова²⁰лар ҳам ўз асарларида ушбу адабиёт тарихий илдизларининг маълум қисмини ёритиб берганлар. Г.Ф. Гирснинг “Тобей бўлмаган халқ адабиёти” – “Литература непокорённого народа” асарида 1893 йилги “Дюранд битими”дан кейинги давр адабиёти ёритилган. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Покистон ҳудудида янги давр пашту адабиётининг шаклланиши ҳақида маълумотлар берилган.

Сиддиқулло Риштин²¹ ва Абдул Ҳай Ҳабибий²² ҳам ўз асарларида Покистон ҳудудидаги пашту адабиётининг тарихий илдизлари ҳақида бир қанча маълумотлар келтирганлар. Лекин бу олимларнинг пашту адабиётининг тарихи борасидаги асарлари кўпроқ информацион характерга эга.

Покистон ҳудудидаги янги давр пашту адабиёти вакиллари Афғонистонда ўтган асрнинг 60-йилларидан сўнг пашту адабиёти тарихига оид чоп этилган китоблардан жой ола бошлади. Афғонистонлик олим Абдурауф Бенаво “Ҳозирги замон ёзувчилари”²³ (1961) асарида биринчилардан бўлиб Шинворий таржимаи ҳолини келтиради²⁴. Афғонистон Пашту Академиясининг академиги Муҳаммад Сиддиқ Руҳи²⁵ ва Охунзода Фармон Мусофир²⁶ ўз асарларида Шинворийнинг таржимаи ҳоли борасида бир қанча маълумотлар келтиришган. Афғон олими, профессор Абдул Ҳай Ҳабибий²⁷ ҳам Шинворийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўз асарларида маълумотлар бериб ўтган. Г.Ф.Гирс²⁸ ва А.Герасимова²⁹ларнинг асарларида

¹⁵ Маннанов А.М. Рошанийская литературная школа на пашту в XVI-XVII вв. (Источники и проблем реконструкции). Диссертация на соискание доктора филологических наук. – Т, 1996.

¹⁶ Маннанов А.М. У истоков афганской классической литературы. – Т, 1994; тот же автор. Рошанийская литература. – Т, 2006.

¹⁷ Маннонов А.М. Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи. – Т, 2001.

¹⁸ Усмонов О. Курашларда тобланган шеърят. – Т, 1987.

¹⁹ Гирс Г.Ф. Литература непокорённого народа. Москва. 1966; тот же автор. Исторические песни паштунов. – М, 1984.

²⁰ А. Герасимова, Г. Гирс, Литература Афганистана. – М, 1963.

²¹ صدق الله ريشتين ، د پښتو د ادب تاريخ ، كابل ۱۹۵۴ ع

²² عبد ال حى حبيبي ، د پښتو د ادبياتو تاريخ ، كابل ۱۹۶۳ ع

²³ عبد الروف بينوا ، اوسنى ليكوال ، كابل ۱۹۶۱ ع

²⁴ عبد الروف بينوا ، اوسنى ليكوال ، كابل ۱۹۶۱ ع ۲۶۷ - ۲۸۲ مخونه

²⁵ محمد صديق روهى ، د پښتو ادبياتو تاريخ (معاصره دوره) ، ۱۹۹۹م پېښاور

²⁶ آخونزاده فرمان مسافر ، ځلنده ستورى ، پېښور ۱۹۸۴م

²⁷ عبد ال حى حبيبي ، د پښتو د ادبياتو تاريخ ، كابل ۱۹۶۳ ع

²⁸ Г. Ф. Гирс, Литература непокорённого народа, – М, 1966, – С 162-172

хам Ҳамза Шинворий ижоди ҳақида маълумотлар учрайди.

Покистон ҳудудидаги янги давр пашту адабиёти ва унинг намояндалари ижодини ўрганиш Покистоннинг ўзида кечроқ – XX асрнинг 70-йиллардан кейин бошланди. Пашту адабиётидаги замонавий тур ва жанрлар ҳақида илк назарий асарлар яратган олим Муҳаммад Аъзам Аъзам бўлди. Унинг “Пашту ҳикоялари: таҳлил ва танқид”³⁰ (1976), “Пашту адабиётида драматургиянинг ривожланиши”³¹ (1985-86), “Пашту адабиёти ва роман жанри”³² (1987) мақолалар сериясида Ҳамза Шинворий ва Хайбар адабий мактабининг баъзи вакиллари ижодига тўхталиб ўтилган.

Раж Валишоҳ Хаттакнинг “Пашту адабий ҳаракатлари”³³ (1985) ва Муҳаммад Жовид Халилнинг *په صوبه سرحد کښې د مختلفو پښتو ادبي ټولنو او جرگو* – تنظيمونه او د هغوی کار تنظيمونه او د هغوی کار – “Чегарабўйи вилоятида турли пашту адабий жамиятлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолияти”³⁴ (1994) номли асарларда Хайбар адабий мактабининг вужудга келиши ва фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Гарчи бу асарларда Хайбар адабий мактаби шу турдаги бошқа мактаблар қатори санаб ўтилган бўлса-да, мактаб вакиллари ижоди масаласига умуман эътибор қаратилмаган.

Салмо Шоҳиннинг “Замонавий пашту шеърляти”³⁵ (2002) номли очерки ҳам антология тарзида ёзилган бўлиб, муаллиф асарда Покистон ҳудудида пашту тилида ижод қилган шоирлар биографияси ва ижодидан намуналар бериш билан чекланган. Асарда санокли шоирлар ижоди қисқа таҳлилга тортилган. Хайбар адабий мактаби вакиллари ижоди тадқиқотчи эътиборидан четда қолган.

Хуллас, Покистон ҳудудидаги паштунлар адабиётида, хусусан, шеърлятида янгилашни жараёнини амалга оширган ва Покистон ҳудудида замонавий пашту адабиётининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган Хайбар адабий мактаби фаолияти тизимли таҳлилга тортилган йирик монографик иш мавжуд эмас. Шунингдек, Покистон ҳудудидаги пашту адабиётининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш масаласи илмий-назарий аспектда чуқур ўрганилган эмас.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари адабиётида жанр ва услуб масалаларини ўрганиш» мавзуидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади XX аср Покистон ҳудудида янги давр пашту адабиётининг шаклланиши, Амир Ҳамза Шинворийнинг ижоди, унинг

²⁹ Герасимова А. С., Гирс Г. Ф., Литература Афганистана, Краткий очерк, – М, 1963. – С 194.

³⁰ محمد عظم عظم ، پښتو افسانه : تحقيق او تنقيد ، پېښاور ۱۹۷۶ ع

³¹ محمد عظم عظم ، پښتو ادب کښې د درامې اړطقا ، مياشتنې پښتو ، پېښاور ۱۹۸۶-۱۹۸۵ ع

³² محمد عظم عظم ، پښتو ادب او ناول ، مياشتنې پښتو ، پېښاور ۱۹۸۷ ع مارچ-اپريل گڼه

³³ رج ولی شاه ختک ، د پښتو ادبي تحريکونه ، پېښاور ۱۹۸۵ ع

³⁴ محمد جاويد خليل ، په صوبه سرحد کښې د مختلفو پښتو ادبي ټولنو او جرگو تنظيمونه او د هغوی کار ، پېښور ۱۹۹۴ ع

³⁵ پروفیسر ډاکټر سلمی شاهین ، جدید نظم په پښتو کښې ، پېښور - ۲۰۰۳ ع

махорати, у асос солган Хайбар адабий мактаби, ушбу мактаб вакиллари ижоди ва пашту адабиётдаги анъанавийлик ва янгиланиш жараёнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

XX аср Покистон ҳудудида янги давр пашту адабиётининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш;

Покистон ҳудудида янги давр пашту адабиётини шакллантиришда муҳим рол ўйнаган ижодкорлар фаолиятини тадқиқ қилиш;

Амир Ҳамза Шинворийнинг ижод йўли босқичларини таҳлил қилиш;

Амир Ҳамза Шинворий шеърятининг мавзу кўлами ва ғоявий-бадий хусусиятларини очиб бериш;

Амир Ҳамза Шинворийнинг бадий маҳоратини тадқиқ этиш орқали унинг пашту адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

Хайбар адабий мактаби йирик намояндаларининг ижодий хусусиятларини таҳлил қилиш;

Пашту шеърятида Хайбар адабий мактаби анъаналарининг ўрнини белгилаш.

Тадқиқот объектини XX аср Покистон ҳудудидаги янги давр пашту адабиётининг йирик намояндалари ижоди, хусусан, Амир Ҳамза Шинворийнинг ҳаёти ва ижоди, насрий асарлари, драмалари, таржима асарлари, унинг “Куллиёт”идан жой олган шеърлари бадиияти, у асос солган Хайбар адабий мактаби ва ушбу мактаб вакиллари ижоди ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Покистон ҳудудидаги замонавий пашту адабиётининг шаклланиш жараёни, Амир Ҳамза Шинворий ва у асос солган Хайбар адабий мактабининг пашту адабиётида адабий анъаналарнинг янгиланиш жараёнидаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритиш жараёнида илмий таҳлил ва қиёсий-типологик методлардан, боблардаги баъзи бўлимларни ёритишда ишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, тарихий-биографик услубдан фойдаланилди.

Шу билан бирга, ҳозирги етакчи адабиётшуносларнинг адабиёт назариясига бағишланган ишлари, кўзга кўринган афғоншунос олимларнинг асарларида қўллаган метод ва тадқиқот усулларида диссертациянинг назарий асосини шакллантиришда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

XX аср Покистон ҳудудидаги янги давр пашту адабиётининг шаклланишида миллий уйғониш даври арбоблари роли далилланган;

Амир Ҳамза Шинворийнинг ижод йўли босқичлари далиллар билан очиб берилган ҳамда шоир назмий мероси мавзу кўламининг кенглиги ва ғоявий бадий савияси исботлаб берилган;

Амир Ҳамза Шинворий шеърятида анъанавийлик ва янгиланиш тамойиллари ва унинг ўз даври шеърятига кўрсатган таъсири исботланган;

Хайбар адабий мактабининг вужудга келиши, ривожланиш омиллари ва пашту адабиётидаги ўрни асосланган;

Хайбар адабий мактаби йирик намояндаларининг бадиий маҳорати ҳамда пашту шеърлятида мазкур адабий мактаб анъаналари далилланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилган Ф-1-139 “Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси” номли илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида «Хайбар адабий мактаби ва Амир Ҳамза Шинворий ижоди» номли монография нашр қилинган. Ушбу монография ва мақолаларда олиб борилган тадқиқот натижалари жамланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини Амир Ҳамза Шинворий асарларининг матнлари тасдиқлайди. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Покистон ҳудудидаги пашту адабиётида XX асрда янги давр адабиётининг шаклланиши, Амир Ҳамза Шинворий ижоди, Хайбар адабий мактаби ва унинг пашту адабиётидаги янгиланиш жараёнидаги ўрнини кўрсатиб бериш билан изоҳланади.

Шунингдек, тадқиқот натижасида эришилган материал, таржималар ва хулосалар келгусида яратилажак монографик тадқиқотлар ва таълимнинг бакалавр йўналиши афғон адабиётини ўрганаётган талабаларга “Пашту адабиёти” дарслиги ва магистратура мутахасислиги афғон адабиётини ўрганаётган талабаларга “Покистон ҳудудидаги пашту адабиёти”, “Замонавий пашту шеърляти”, “Пашту тасаввуф адабиёти” каби махсус курслар учун ўқув қўлланмалар яратишда зарур манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амир Ҳамза Шинворий шеърляти ва Хайбар адабий мактаби (анъанавийлик ва янгиланиш жараёни) мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари:

Амир Ҳамза Шинворий шеърлятида анъанавийлик ва янгиланиш тамойиллари, унинг ўз даври шеърлятига кўрсатган таъсири, Хайбар адабий мактабининг вужудга келиши, ривожланиш омиллари ва пашту адабиётида тутган ўрни Ф-1-139 сонли «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 6 октябрдаги ФТА-02-11/811-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Покистон ҳудудидаги пашту адабиётини кенг миқёсда концептуал ўрганиш имконини берган.

Амир Ҳамза Шинворий ва Хайбар адабий мактаби вакиллари тўғрисидаги натижалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида “Мамлакатшунослик” йўналишидаги ўқув илмий тадқиқотларда

фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги 2017 йил 17 февралдаги 290-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ҳарбий хизматчиларнинг шу соҳага тегишли билимларининг ошиши ва мамлакат бўйича вазиятни аниқ баҳолай олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, “Actual problems of the theory and practice of philological researches” (the IV international scientific conference on March 25-26 2014, Прага); “Ўзбек ва шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари”, (халқаро конференция 19-20 май 2014, Тошкент); “Actual problems of the theory and practice of philological researches” (the V international scientific conference on March 25-26 2015, Прага); “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” (6 ноябр 2014, Тошкент); “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси” (3 январь 2015, Тошкент); “Шарқ халқлари адабиёти жанрлар типологияси” (20 май 2015, Тошкент); “Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари (М. Замахшарий 940 йиллигига бағишланади)” (май 2015, Тошкент) мавзулардаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 143 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва ишнинг натижасида кутилаётган илмий янгиликлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Покистон ҳудудида янги давр пашту адабиётининг шаклланиши**» деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи бўлимида Покистон ҳудудидаги пашту адабиётининг тарихий илдизлари, хусусан, рўшонийлар, хаттаклар ва мўмандлар адабий

мактаблари, улардан кейин Пешовар шахрида вужудга келган بازار قصه خوانی [бозори қиссахони] – “Қиссахонлик бозори”, қисса жанрининг пашту адабиёти жанрлар тизимидаги ўрни, XIX аср охири-XX аср бошларидаги йирик қиссанавислар – Мулло Неъматулло, Аҳмаджон Нозим ва Гул Аҳмад, ҳозирги Покистон ҳудудидаги пашту адабиётида янги бир давр шаклланаётганидан дарак берувчи адиблар – Мавлавий Аҳмад, Мир Аҳмадшоҳ Ризвоний ва Мунший Аҳмаджонлар ижоди ҳақида сўз боради.

Бобнинг иккинчи бўлимида XX аср Покистон ҳудудидаги янги давр пашту адабиётининг шаклланишида миллий уйғониш даври арбобларининг роли таҳлил этилган.

XIX аср охири-XX аср бошларида шарқий паштунлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар уларнинг ижтимоий онгига ўз таъсирини ўтказди. Паштун зиёлилари орасида миллий ўзликни англаш, интеграция жараёнида ўз тили ва маданиятини сақлаб қолиш, уни ривожлантиришга бўлган ҳаракатлар кучайди. Бу жараёнда ижод майдонига чиққан бир қанча йирик шоир ва ёзувчилар ўз ижодлари орқали ҳозирги Покистон ҳудудида паштунлар маданияти, тили ва адабиётини ривожлантиришда муҳим ишларни амалга оширдилар. Шу билан бирга бу зиёлилар фаолияти натижасида паштун халқи ижтимоий ҳаётида янги давр бошланди ва бу давр ижодкорлари асарларида аксини топди. Паштун зиёлилари онгида вужудга келган янги дунёқараш ўша даврдаги янги ижтимоий-сиёсий шароитга мос адабиётни шакллантирди. Бу жараёнда ижод аҳлининг йирик жамоат арбоблари томонидан қўллаб-қувватланганини кўришимиз мумкин. Паштунлар маданияти, тили ва адабиётини ривожлантиришда ижод аҳлини қўллаб-қувватланган жамоат арбобларининг йирик вакили сифатида **Абдуғаффорхон**ни кўрсатиш мумкин. У 1921 йилда Пешоварда “Анжумани ислоҳи афғина” – “Афғонларни ислоҳ қилиш жамияти”ни ташкил этди. Жамият маърифатпарлик ҳаракати руҳида фаолият юритди: янги мактаблар очди, халқ орасида таълим-тарбия ва ахлоқнинг аҳамиятини оширишга қаратилган ишлар олиб борди. Шу мактаб ва мадрасалардан кейинчалик пашту адабиётининг йирик вакиллари бўлган Абдулакбар Акбар, Муҳаммад Мир Ҳилолий ва Мастер Абдулкарим каби ижодкорлар етишиб чиқди.

Абдуғаффорхон томонидан 1928 йилда ташкил этилган “Паштун” журнали пашту тилида ижод қилаётган адибларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди.

Муҳаммад Сиддиқ Руҳи “Пашту адабиёти тарихи” китобида Абдуғаффорхон ва у асос солган “Паштун” журналининг адабий жараёнларнинг ривожланишига қўшган хиссасини шундай баҳолайди: “Абдуғаффорхон 1928 йилда “Паштун” номли журнал ташкил этди ва унда қўллаб ёзувчи ва шоирларни тўплади. Унда катта авлод вакилларидан Фазли Маҳмуд Махфий, Абдулакбархон Акбар, Самандархон Самандар, Амир Ҳамза Шинворий, Фазл Ҳақ Шайдо, Саид Расул Расо, Абдуғанихон Ғани,

Ажмалхон Хатак, янги авлод вакилларида Дўст Муҳаммадхон Комил, Ҳабиб ал-Раҳмон Қаландар, Ҳусайн Бахш Кавсар Ғурҷел ва Алифжони Хўтакий номларини ёдга олиш зарур.”³⁶

Таъкидлаб ўтиш керакки, бу каби журнал ва газеталар фаолияти пашту адабиётининг янги вакиллари дунёга келтирди, уларнинг бадиий савиясининг ошишида, асарларининг сайқалланишида катта рол ўйнади.

Ушбу бўлимда XIX аср охири-XX аср бошларида ўз ижодлари орқали ҳозирги Покистон ҳудудида паштунлар маданияти, тили ва адабиётини ривожлантиришда муҳим ишларни амалга оширган Саид Роҳатулло Зоҳейлий (1884-1963), Фазли Маҳмуд Махфий (1884-1947), Саид Расул Расо (1910-1990), Азимшоҳ Хиёл Бухорий (1912-1987), Мастер Абдулкарим (1908-1961), Абдулгани Ғани (Ғанихон) (1916-1996), Самандархон Самандар (Бадаршавий) (1901-1990) ва Ажмалхон Хаттак (1925-2010) каби шоир ва ёзувчиларнинг ижодий фаолияти кўриб чиқилган.

Ишнинг «Амир Ҳамза Шинворий ва унинг ижодий йўли» деб аталган иккинчи боби икки бўлимга бўлинади. “Амир Ҳамза Шинворий ижод йўлининг босқичлари” номли биринчи бўлимда XX аср Покистон ҳудудидаги янги давр пашту адабиётининг шаклланишида муҳим ўринга эга бўлган Амир Ҳамза Шинворийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз боради. Хусусан, Ҳамза Шинворийнинг шеърляти ва ғазалиётининг юксак бадиий савияси туфайли замондош ижодкорлари томонидан “пашту ғазалининг отаси” деб эътироф этилиши, Ҳамза Шинворийнинг насрий асарлари, драматургия ва таржима соҳасидаги фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилади.

Дарҳақиқат, Ҳамза Шинворийнинг XX аср пашту адабиётидаги ўрни катта. У 1941 йилда йирик паштун шоири Самандархон Самандар томонидан “ғазал султони”, деб эътироф этилди. Шоирнинг “Дъ зръ овоз”-“Қалб садоси” номли илк шеърӣ тўплами 1951 йилда чоп этилди. Мухлислари томонидан энг сара ғазаллари тўпланиб, 1953 йилда “Ғазавъна” – “Уйғониш” номли тўплам сифатида нашр этилди. Шундан кейин унинг яна саккизта шеърӣ тўплами чоп этилди. Ҳамза Шинворийнинг ўнта шеърӣ тўплами орасида энг муваффақиятли чиққани “Ғазавъна” бўлди.

Пешовар университети Пашто Академияси ходимлари саъй-ҳаракатлари билан 1997 йилда Ҳамза Шинворийнинг беш томлик куллиёти чоп этилди. Куллиёт ҳажман анча катта бўлиб, унга шоирнинг ғазал, рубоӣ, китъа, касида ва фард каби мумтоз жанрдаги шеърлари билан бирга унинг замонавий шеърӣ шаклларда ёзилган шеърлари ҳам киритилган.

Асосан шоир сифатида танилган Ҳамза Шинворий насрда ҳам баракали ижод қилди. Унинг илк насрий асари 1953 йилда “Жвар фикруна” – “Геран фикрлар” номли эсселар тўплами сифатида чоп этилди. Ҳамзанинг Лаҳорда нашрдан чиққан романи “Неве цапе” – (“Янги мавжлар”) (1957) унинг пашту романчилигига қўшган ягона хиссаси бўлиб, романда ака-сингиллар Салим ва Гулруҳ ҳамда Акбархон ва София муносабатлари, кундалик ҳаёт тарзи

³⁶ محمد صديق روهى ، د پښتو ادبياتو تاريخ ، ۱۹۹۹م پېښاور، ۲۲۳-۲۲۴ مخونه

ифодаланса-да, аслида роман фақат маиший масалаларга бағишланган эмас. Унда “Дюранд битими”дан кейинги шарқий паштунлар ҳаёти акс эттирилади. Ёзувчи ўша давр сиёсий муҳитини, ижтимоий-маданий ҳаётини мураккаб чизгилар билан моҳирона тасвирлаган. Умуман, Ҳамза Шинворийнинг “Невай Паштун” – “Замонавий Паштун” (1957), “Тазкирайи Саттория” (устози шайх Абдусатторшоҳга бағишланган, 1970), “Вужуд ва Шухуд” (диний-тасаввуфий масалалар борасида урду тилида ёзилган, 1970), “Инсон ав Худой” – “Инсон ва Худо”, (1976), “Мере зиндаги” – “Менинг ҳаётим”(автобиографик асар, 1976), “Ано ўр илм” – “Эго ва билим” (1980), “Инсоний ано ав пўҳа” – “Инсон эгоси ва ақл” (1982), “Жабар ав ихтиёр” – “Қисмат ва ихтиёр” (1989) каби жами 15 та насрий асари мавжуд.

Ҳамза Шинворий таржима соҳасида ҳам катта ишларни амалга оширди. Унинг биринчи қилган йирик таржимаси паштун сўфий шоири Абдурахмон (Раҳмон Бобо)³⁷ девонини урду тилига қилган таржимаси бўлди. Бу таржима 1963 йилда Пешоварда чоп этилди. Асар 203 та ғазалнинг шеърий таржимасидан ташкил топган бўлиб, 285 бетдан иборат. Шу билан бирга Ҳамза Шинворий ўз даврининг машҳур урдузабон шоири, аллома Муҳаммад Иқболнинг “Жовиднома”³⁸ ва “Армуғони Ҳижоз”³⁹ манзумаларини пашту тилига шеърий йўл билан таржима қилди. Сабо Акбарободийнинг “Чироғе баҳор”⁴⁰ асарини ҳам пашту тилига таржима қилиб, чоп эттирди.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими “Амир Ҳамза Шинворий шеъриятининг ғоявий-бадий хусусиятлари (анъанавийлик ва янгилиниш тамойиллари)” деб номланади. Унда шоирнинг ғазал, рубоий, қитъа, қасида ва фард каби анъанавий жанрларда ёзган шеърлари, уларнинг тематикаси ва уларда қўлланилган бадий санъатлар таҳлил этилган.

Ҳамза Шинворийнинг шеърий қобилияти ғазал шаклида намоён бўлди. Унинг меҳнатлари натижасида пашту тилидаги ғазал ўзининг юқори такомил босқичига кўтарилди, ғоявий-бадий жиҳатдан анча юксалди.

Шинворий ғазалларида паштун миллатпарварлигининг ноёб намуналарини учратамиз. Шоир баъзи ўринларда маъшуқа сифатида ўз миллатини кўради:

خدایه زیات کری یو په لسه د پښتون د لایلا حسن
بیا ځما مینه هم زیاته یو په لسه تر مجنون کری⁴¹

Таржима: “Худоё, паштун Лайлисининг хуснини ўн чандон зиёда қил Яна, менинг севгимни ҳам Мажнун муҳаббатидан ўн бор кучли қил”.

³⁷ ديوان عبدالرحمان (اردو نظم)، پښتو اکادمی، پېښور، لومړی چاپ ۱۹۶۳ ع

Dewani Abdur Rehman: (Urdu verse), Pashto Academy, – P. (Peshawar), 1963.

³⁸ د اقبال جاويدنامه (پښتو نظم)، پښتو اکادمی، پېښور، لومړی چاپ ۱۹۶۷ ع

Iqbal's Jawednama: (Pashto verse), Pashto Academy, – P. (Peshawar), 1967.

³⁹ د اقبال ارمغان حجاز (پښتو نظم)، پښتو اکادمی، پېښور، لومړی چاپ ۱۹۶۴ ع

Iqbal's Armaghani Hijaz: (Pashto verse), Pashto Academy, – P. (Peshawar), 1964.

⁴⁰ د سبا اکبر ابادی، چراغ بهار، بختيار اکادمی، کراچی، لومړی چاپ ۱۹۸۳ ع

Saba Akbarabadi's Chiraghi bahar: (Pashto verse), Bakhtiar Academy, – K. (Karachi), 1983.

⁴¹ Ўша манба, Б. 92

Амир Ҳамза Шинворийнинг саъй-ҳаракатлари ва ижодий изланишлари натижасида анъанавий ғазаллардаги бош лирик қаҳрамон – ошиқ миллий-ватанпарварлик руҳи билан тўлиб тошган маърифатли ва эрксевар ошиқ образи билан алмаша борди.

Шинворий ғазаллардаги лирик қаҳрамон ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муаммолари билан ҳамнафас эди. Буни шоирнинг *تل به په لار د ميرنو سره* 42 матласи билан бошланувчи ғазалида кўришимиз мумкин. Ғазалнинг бешинчи байти паштунларнинг миллий тили пашту тили ҳақида бўлиб, унда ўша даврдаги “тил сиёсати” натижасида жамият ҳаётида юзага келган ижтимоий-сиёсий муаммо яққол акс эттирилган. Афғонистонда ўтган асрнинг 40-йилларида пашту тилини давлат тили даражасига олиб чиқиш учун қилинган баъзи ҳаракатларнинг шовинистик тус олгани (пашту тилини мажбурий ўқитиш) мамлакатдаги бошқа оз сонли миллатларнинг норозилигига сабаб бўлди. Бу вазиятдан фойдаланган баъзи мухолифларнинг “Пашту жъба – дўзахий жъба”, яъни, “пашту тили – дўзах тили” ибораси паштун бўлмаган оз сонли миллатлар орасида машҳур бўлиб кетди. Паштунлар орасида бу иборага қарши Шинворийнинг

وايي اغيار چه د دوزخ ژبه ده زه به جنت ته پښتو سره ځم

Гарчи ағёр дўзах тили деса ҳам,

Мен жаннатга пашту тили билан бораман

байти машҳур.

Ҳамза Шинворийнинг мазкур ғазали миллатпарварлик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, унда паштунлар ижтимоий ҳаётининг қадимдан амал қилиб келинаётган меъёрлари ўқувчига гўзал бадиий тил орқали етказилган. Шу билан бирга шоир ғазалда ўзи орзу қилган идеал паштунлар жамиятини ҳам ифодалашга ҳаракат қилган.

Ҳамза Шинворий **рубой**ларида ҳам ўз диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини тингловчига етказишга ҳаракат қилди. Ҳамза рубойларининг адади ҳам анчагина ва мазмун жиҳатдан бой. Амир Ҳамза Шинворийнинг рубойлари тематикаси ўз даврининг долзарб муаммолари, миллий қадриятлар, умуминсоний масалалар, хусусан, мумтоз дидактик руҳдаги мавзуларга бағишланган.

Қуйидаги *زلميانو ته [زالميёну تا]* – (“Ёшларга”) сарлавҳали рубойида Ҳамза пашту тилининг жамият ҳаётидан янада чуқурроқ ўрин олиши учун қилган сай-ҳаракатларининг мужассамлашганини кўрамиз.

زلميانو ته

يو سوال درته كومه يه زلمو زلمو

ملت د پښتانه كښي ميرنو زلمو

دا غړ د مستقبل دى د حمزه په ژبه

*ژوندى كړئ خپل ادب خپله پښتو زلمو*⁴³

Таржима: “Эй, паштун миллатининг эр йигитлари,

⁴² *حمزه شنواری ، غزونی ، پښاور - ۱۹۵۶ کال ، ۵۲ مخ*

⁴³ *حمزه شنواری ، کلیات پنځم جلد ، پښور- ۱۹۹۷ م ، ۴۶ مخ*

Эй, ёшлар, сиздан бир савол (нарсани ўтиниб) сўрайман,
Бу гапни ҳали Ҳамза такрор-такрор сўрайди
